



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 13-may • Payshanba • 57 (31.177) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

«Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз».



Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг III конференцияси бўлиб ўтади. Кеча делегатлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар. Мустақиллик майдонини томоша қилиб, Хотира майдониди Мотамсаро она ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан ташкил этилган «Осиё тараққиёт банки Тошкент анжуманининг яқунлари — Ўзбекистон ривожланиш модели самарадорлигининг халқаро эътирофи» мавзудаги давра суҳбатида қатнашиш партиямиз ёш фаолларида катта таассурот қолдирди.

Илмий ишланмалар амалиётда >2

15 миллион литр нефть сувга оқиб кетди >3

Кечаги армон ва бугунги имконият >4

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этишни истардим. Бу шаҳар-қишлоқларнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида — улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади.

Хельмут Крунес, "KRK" қурилиш-саноат компанияси раҳбари (Австрия)

ЁШ ФАОЛЛАР

Қонунчилик палатасида

депутатлар билан учрашдилар, фикрлашдилар, тенгдошларини ўйлантираётган масалалар юзасидан саволлар беришди, таклифлар айтишди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев мазкур учрашув «Истиқбол» фаолиятини самарали ташкил этиш, депутатларнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ташаббускорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Шарбат Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси

раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Нодир Жумаевлар Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик йиғилиши Тошкентда бўлиб ўтгани нуфузли халқаро молия ташкилотлари ривожланишининг «ўзбек модели»ни юксак эътироф этаётганининг яна бир ёрқин намоёни бўлганини таъкидладилар. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани боис, ҳаётимизда ўз самарасини бераётганига

эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ислохотлар ислохот учун эмас, инсон, ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигини таъминлаш учун олиб борилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида кўпгина хорижий мамлакатларда ижтимоий харажатлар қисқартирилиб, айрим ижтимоий дастурларни молиялаштириш чеклаш давом этмоқда. Ана шундай бир пайтда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган Инқирозга қарши

чоралар дастури ижтимоий йўналтирилгани билан ажралиб туради. Осиё тараққиёт банки анжумани иштирокчилари ушбу дастурнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани, натижада юртимизда ялли ички маҳсулот ҳажми ўсиб бораётганига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳар қандай вазиятда ҳам давлатимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлиб қолаверишига ишонч ҳосил қилдилар.

(Давоми 2-бетда.)

Тарғиботнинг таъсирчанлиги

Сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеини оширади, тарафдорларини кўпайтиради.

Тарғибот ишлари режаси пухта ўйланган, ҳаёт билан боғланган бўлса, замонга мос, одамлар талабига жавоб берадиган даражада олиб борилса, қутилганидек самара беради. Эскича усулларда тадбир ўтказиш, баландлар вазир ва ҳайкириқлар билан ҳеч нарсаси эришиб бўлмайди. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Шу маънода, маҳаллий партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар зиммасига катта масъулият юкланган. Улар электротат ичига кириб бориши, улар-

нинг муаммоларини ечишда жонбозлик кўрсатиши, партиянинг аҳоли билан бевосита муносабатини таъминлаши лозим.

Қорақалпоғистон Республикасидаги айрим партия тузилмаларида бу борада ижобий ҳаракатлар сезилса-да, аксарият ҳолларда партия дастурий мақсадларига бевосита алоқаси бўлмаган оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиш ҳоллари давом этмоқда.

2-бет >

Энергетикларнинг халқаро анжумани

Пойтахтимизда давом этаётган «Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2010» ўн тўртинчи халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть-газ соҳасига сармоя ва инновациялар жалб этишга бағишланган халқаро конференция очилди.



1 САВОЛГА ЖАВОБ



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси

— Партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?

— Партиянинг етакчиси, бир сўз билан айтганда, катта сиёсатчи бўлиши керак. У сиёсий жараён моҳиятини теран англаб, электротат билан ишлаш технологиялари билимдонни бўлмаса, ўзгаларни ортидан эргаштириши қийин.

Энг муҳими, етакчи ушлаган жойини чўрт кесадиган шахс бўлиши керак. Маълумки, партия ташкилотлари йиғилишларида, пленум ва бошқа тадбирларда электротатни ташвишга солаётган масалалар ўртага ташланади, улар юзасидан кўплаб фикр-мулоҳаза билдирилади. Кўтарилган масаланинг ечими эса етакчининг кейинги саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Хўш, партияимизнинг бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашлари раислари электротат манфаати билан боғлиқ муаммолар ечими учун қатъият кўрсата олаётими? Тегишли масалани масъул ташкилот, маҳаллий ҳокимлик олдига қўя олаётими? Маҳаллий бошқарув идоралари билан муносабатни бузиб қўйишдан қўрқмаётими? Саволлар кўп.

Етакчи тўлақонли сиёсатчи бўлса, бу саволларга ўрин қолмайди.


O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

13 май об-ҳавоси

Юртимизда	Хорижда
Тошкент — 28°C	Лондон — 15°C
Самарқанд — 27°C	Париж — 16°C
Нукус — 24°C	Москва — 8°C
Қарши — 30°C	Мадрид — 17°C
Ургач — 24°C	Пекин — 15°C
Новий Фариқи — 27°C	Гонконг — 32°C
Бухара — 26°C	Рим — 21°C
Анджон — 27°C	Алқора — 18°C
Наманган — 26°C	Токио — 20°C
Термиз — 32°C	Стокгольм — 10°C
Жиззах — 27°C	Кейптаун — 39°C
Сирдарё — 27°C	Қозиро — 33°C
Тошкент яна — 27°C	Гавана — 32°C
	Вашингтон — 12°C



Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида пауэрлифтинг бўйича йилгирмага яқин давлатлар спортчилар иштирок этган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси етти та олтин, ўн олти та кумуш ва учта бронза медалга сазовор бўлди. Нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон пауэрлифтинг федерацияси вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

ЁШ ФАОЛЛАР Қонунчилик палатасида

депутатлар билан учрашдилар, фикрлашдилар, тенгдошларини ўйлантираётган масалалар юзасидан саволлар беришди, таклифлар айтишди



Абдусиё ХАЙДАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш сиёсатини амалга оширишда ёш авлод масаласига алоҳида эътибор қарилмоқда. Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда таъкидлаганидек, Ўзбекистонни тараққий этган давлатлар қаторига кўтариш, эркин ва демократик жамият қуриш учун Ватанимизнинг эртанги кунини, келажакни, бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган ёш авлоднинг тарбиялаш, фарзандларимизга замонавий билим бериш ва уларни ҳақиқатдан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш энг устувор вазифамиз эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ана шу вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. Ушбу Дастурни амалга оширишда иштирок этиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун устувор сиёсий вазифалардан ҳисобланади.

Баркамол авлод — бу мавҳум тушунча эмас. Ёш фаолларимиз комил инсон қандай фазилатларга эга бўлиши, ушбу хусусиятларини ўзларида ва электротимизнинг ёш вакилларида тарбиялаш йўллари ҳақида доимий равишда изланиши лозим. Партияимиз ўзининг ёш тарафдорларини «Истиқбол» ёшлар қанотига бирлаштириб, уларга сафимизга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишларда бевосита иштирок этиш имкониятини яратиб бераётгани бежиз эмас. Мазкур учрашув тегишли вазифаларни ҳал қилишда партияимиз ёшлар қаноти ва депутатлик корпусининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилади. Бундай имкониятдан жой-

ларда юзага келаётган масалалар ечимини топишда самарали фойдаланиш лозим, дея таъкидланди давра сўҳбатда.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ижтимоий ислохотларнинг жойларда самарали амалга оширилишига ҳисса қўшиш, электрот билан ишлаш ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш энг муҳим вазифаларидан эканини таъкидладилар. Депутатларга ўзларини ўйлантираётган, қизиқтирган саволлар билан муносабат этишди. Ёшлар қаноти ҳамда фракция ҳамкорлигида амалга оширилиши зарур бўлган ишларнинг йўналишлари белгилаб олинди. Май ойининг охиригача кўнглида Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлади. Жойларда ўтказилган маъруза тадбирларида партияимиз ёш фаоллари бевосита иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

Давра сўҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов иштирок этди ҳамда депутатлар, ёшлар қаноти фаолларининг ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан фикр юритди.

Тадбир якунида делегатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишдилар. Яъни мажлислар зали, ўндаги овоз бериш «Рада» — Мажлис тизимининг ишлаши, депутатлар, қўмиталар фаолияти уларда қатта қизиқиш уйғотди.

— Мен ҳам келажакда депутат бўлиб, шу бинода ишлашни орзу қиламан, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти Мирзаобод туман бўлими етакчиси Баҳром Усмонов.


— Бугунги учрашув, палата фаолияти билан танишув эса бу иштиқимни янада кучайтирди.

Баҳрод ШУҚУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Конференцияда айтадиган сўзим бор...

Максуд РАҲИМОВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти Хонқа туман бўлими етакчиси:

— Бугунги конференцияда мен сўзга чиқиб, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда «Истиқбол»нинг иштирокчини кучайтириш ҳақида гапирмоқчиман. Негаки, бу долзарб масала. Ҳар йили коллеж, олий ўқув юртинларини кўплаб йигит-қизлар битиради. Аммо баъзи ҳудудларда уларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда муаммолар бор. Бунинг сабаби, аввало, касб танлашда деб биламан. Агар ёшлар жойлардаги мавжуд ҳолат, ҳудудий имкониятларга қараб касба йўналтирилса, масала бирмунча енгиллашарди. Демак, «Истиқбол» бу муаммога эътибор қаратиши зарур, деб ҳисоблайман.



Феруза ДОНИЁРОВА, «Истиқбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят бўлими етакчиси:

— Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан журналистларга берган интервьюсида гўзал ва батақдор Ватанимизнинг янада тараққий топишига ҳисса қўшиш барчамиз учун ҳам фуқаролик, ҳам инсоний бурж эканига алоҳида эътибор қаратди. Демак, биз ёшларнинг зиммасида масъулиятли вазифалар турибди. Бу ишончини оқлаш учун биздан сиёсий, ҳуқуқий билимларимизни янада кенгайтириш талаб этилади. Бунда партияимиз ёшлар қанотининг алоҳида ўрни бўлиши керак. «Истиқбол» салоҳиятли, билимли ёшларнинг сиёсий майдонга кириб келишига кўмаклашиши зарур. Бу борада қатор ташаббусларимиз бор. Аммо уларни кучайтириш кераклигини англаб турибмиз.



Дилшод МИРЗАКУЛОВ, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши депутати, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Қанот парвозининг асосий воситаси. «Истиқбол» рамзий маънода партиянинг қаноти экан, демак, шунга яраша ҳаракат қилишимиз зарур. Айниқса, электрот муаммоларини ўрганишда ёш фаолларнинг ўрни ва ролини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Бунда «Истиқбол» аъзолари бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда электротимизни ташвишлантираётган масалалар сабабини ўрганиб, шулар асосида депутатлик гуруҳларига таклифлар билан чиқсак, бу бизнинг амалий ишимиз бўлади. Албатта бунинг учун қанот аъзоларидан фаоллик, ташаббускорлик талаб этилади.



Тарғиботнинг таъсирчанлиги

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шаҳар ва туман кенгашлари аъзолари орасидан фаолларни танлаш ва уларнинг доимий ишлашига эришиш кўнглидагида эмас. Фақат Кегейли тумани партия кенгашида тарғибот-ташвиқот гуруҳи ишлаб турибди. Унинг тажрибасини оммалаштириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш орқали партиянинг устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилган ишлар кўнглидагидек эмас.

Аксарият шаҳар ва туман партия ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишларининг режалари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Бироқ аниқ бир ташкилот, идора, жамоада қандай мавзуда сўҳбат, учрашув ўтказилди, деб сўрасангиз, етакчилар жавоб топа олмай қийналади.

Партия электротлари орасида пухта ўйланган тарғибот ишлари жуда кам ўтказилмоқда. Бу ишларни самарали йўлга қўйиш учун мониторинг ўтказиб туриш масаласи талаб даражасида эмас.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши партия ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказди. Унда мазкур масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Республика партия кенгаши раиси ўринбосари Садедбой Нурмонов, ХДП Қораўзақ, Кегейли, Беруний туман кенгашлари раислари Қўдирғияз Дўстназаров, Эркин Хўжанов, Халила Ешимбетов ва бошқалар партия ташкилотлари мафурарий ишларининг самардорлигини оширишдаги вазифалар, электрот вакилларининг сиёсий билимини юксалтириш, фуқаролик масъулиятини кучайтириш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда фақат маъруза ўқиш билан партия голярини электротга етказиш кийин. Бунинг учун ҳар бир шаҳар ва туман партия кенгаши замонавий ахборот-коммуникация, сиёсий-технологиялардан самарали фойдаланиши керак. Чунки, кўппартиявийлик даврида тарғибот-ташвиқот ишларининг қандай ташкил этилганлиги, электрот орасида қандай иш олиб борилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Семинар маърузотида ана шу ва бошқа долзарб масалалар юзасидан эркин муҳокама ва фикр алмашиш бўлиб ўтди, кўпи партия ташкилотларига тавсиялар берилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри Илмий ишланмалар амалиётда

татбиқ этилаётгани фарғоналик ёш олим ва талаба-тадқиқотчиларга янги имконият эшикларини очмоқда



Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш каби долзарб масалаларга эътибор бериш кераклиги белгиланган эди. Биз шу хусусда Фарғона политехника институтини ректори, профессор Ойбек ОТАҚУЛОВ билан сўҳбатлашдик.

— Аввало институтда яратилаётган илмий янгиликларга тўхталсангиз.

— Жорий ўқув йили давомида давлат бюджетини, ҳўжалик шартномалари ва давлат илмий техника дастурлари доирасидаги инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида 621 тадан ортиқ мақола ва тезислар, шундан 148 тадан ортиқ илмий мақола, 3 та монография, 7 та дарслик, 7 та ўқув қўлланмаси чоп этилди. Яратилган илмий янгиликлар тасдиқи сифатида Ўзбекистон Республикасининг 8 та давлат патентлари олинди. Амалиётда 40 дан ортиқ илмий ишланмалар татбиқ қилинди. Бундан ташқари, 3 нафар илмий ходимимиз докторлик, 3 нафари номзодлик диссертацияларини ёқлади. 2009 йилда «Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш» қўмитасининг давлат илмий-техника дастурлари асосида маблағ билан таъминланган «Иккиламчи қотишмалардан баббитларни қайта эритиш, тозалаш ва қуйиш технологиясини ишлаб чиқиш», «Юқори энергия самардорлигига эга қуёшли сув коллекторларини тадқиқ этиш ва оптимал қуёшли иситиш тизимини яратиш», «Сувнинг эркин конвекция шароитида иссиқлик алмашинувиликни жадаллиги ва турғунлигини тадқиқ этиш ва оптимал қуёшли иситиш тизимини яратиш», «Мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда замонавий маърузавий таълим курсларини яратиш услубийнинг асосий тамойиллари» мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари «Фан таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси механизми» мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

— Ҳа, жуда ўринли масалани кўтардингиз. Уч йилдирки, пойтахтимизда иқтисодиётни тизимли ривожлантириш ва инновацион фаолиятни жонлантириш мақсадида инновацион голялар ва лойиҳалар ярмаркалари бўлиб ўтмоқда. Жамоамиз аввалги ярмаркада 20 та инновацион лойиҳа билан қатнашиб, 6 та сўмлик шартнома имзолаган эди. Учинчи бора ярмаркада эса профессор-ўқитувчилардан ташқари талаба-тадқиқотчилар ўзларининг 5 та лойиҳасини билан иштирок этиб, 2 миллион 500 минг сўмлик шартнома имзоланишига эришди. «Кўёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш» ло-

он лойиҳа» узлуқсиз занжири асосидаги тизимли тўла шакллантириш, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини фаол тижоратлаштириш мақсадида институт профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти Фарғона водийсини ва мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридаги илмий-техник муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Жумладан, 2009 йилда жами 79 та ҳўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари якунланди ва институт ҳисобига 99 миллион сўм маблағ тушди. Шу йилнинг дастлабки чорагида «Фарғонаазот» ОАЖ билан 55,5 миллион сўмлик ҳўжалик шартномаси тузилди. Давлат дастурлари ва ҳўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида ёш олимларнинг салмоғи 40 фоизни ташкил қилмоқда.

— Бугун мамлакатимизда талаба-тадқиқотчилар учун ҳам ўз лойиҳаларини амалга ошириш имконияти яратилган. Бу борада қатор янгиликларни эшитдик...

— Ҳа, жуда ўринли масалани кўтардингиз. Уч йилдирки, пойтахтимизда иқтисодиётни тизимли ривожлантириш ва инновацион фаолиятни жонлантириш мақсадида инновацион голялар ва лойиҳалар ярмаркалари бўлиб ўтмоқда. Жамоамиз аввалги ярмаркада 20 та инновацион лойиҳа билан қатнашиб, 6 та сўмлик шартнома имзолаган эди. Учинчи бора ярмаркада эса профессор-ўқитувчилардан ташқари талаба-тадқиқотчилар ўзларининг 5 та лойиҳасини билан иштирок этиб, 2 миллион 500 минг сўмлик шартнома имзоланишига эришди. «Кўёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш» ло-



йиҳаси БМТнинг кичик грантларини қўллаб-қувватловчи «Глобал экологик фонд» томонидан молиялаштириш учун ярим финал қатнашчиси сифатида танлаб олинди. 2-босқич магистранти О.Маматовнинг «Урта ва кичик қувватли уч фазали электр двигателларини фаза узилишидан сақлаш» лойиҳаси бўйича «Глобал» энергоспроминвест» корхонаси билан 500 минг сўмлик шартнома тузилди ва Ф.Қўлдосовнинг «Масофадан туриб температуранинг назорат қилишчи оптоэлектрон қурилма» лойиҳаси магистрантлар лойиҳалари номинациясида голиб деб топилди.

Шунингдек, институтда ёш йигит-қизлар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва улар билан ишлаш мақсадида «Ёш олимлар кенгаши» фаолияти йўлга қўйилган. Кенгаш иши бакалаврият таълим асосий йўналишлар бўйича иқтидорли талабаларни аниқлаш, кейинчалик уларни магистратурага йўллаб илмий ишларга жалб қилиш, фан номзоди ва доктори илмий даражаларини олиш учун диссертантларга, мустақил равишда тадқиқот олиб бораётган илмий ходимларга етарли шароит яратиш бериш ва илмий-ижодий таътиллари билан таъминлаш йўналишларидан иборат. Бугунга келиб таълим олаётган аспирант ва докторантларимиз сони 20 нафардан ошди. Тадқиқотчи сифатида диссертация иши билан шуғулланаётганлар эса 158 нафарни ташкил этмоқда.

«Ёш олимлар кенгаши» талабаларни илмий-тадқиқот, илмий-тўғарак ва лойиҳа-конструкторлик ишларига, кўргазма, танлов ва олимпиадаларга жалб этишга ҳам алоҳида эътибор бериб келяпти. Масалан, яқинда «Материаллар қаршилиги» фанидан талабалар республика олимпиадасининг 2-босқичи ўтказилди ва голиблик механи-

ка факультети, «Технологик машина ва жиҳозлар» таълими йўналиши 3-босқич талабаси Х.Жўраевга насиб этди. Бу каби олимпиадаларда 11 та талабалар жамоаси иштирок этипти.

— Ахборот алмашиш глобаллашуви асрида илмий изланиш натижаларини халқаро миқёсда тақдимоти муҳим аҳамият касб этади.

— Институтимиз билан чет эл олий таълим муассасалари ва «Темпус», «Д.Джон ва Кетрин Т.ман Артур», «Эшден», «Таъсис» ва «INTAS» каби жағфармалар ўртасида илмий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Масалан, «Темпус» лойиҳаси бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази декани О.Иргашев «Ўзбекистонда касб-ҳўнар таълимини ривожлантириш» ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Германия Халқаро малака ошириш ва ривожлантириш ташкилотидан маъруза қилди. 2010-2012 йилларга мўлжалланган «Темпус» лойиҳаси бўйича бажарилган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Швециянинг Стокгольм шаҳридаги технология университетида ҳамкорларнинг биринчи координаторлар умумий йиғилиши бўлиб ўтди ва бу йиғилишда иштирок этиб қайтдим. Шу кўнларда «Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инновациялар, иқтисодий самарали усуллар ва ноанъанавий ечимлар» ҳамда сентябрь ойида «Янги композицион материаллар ва конструкциялар» мавзуларида Республика миқёсдаги илмий анжуман ташкил этилди. Унда ёш олимлар, тадқиқотчилар иштирок этиши учун барча имкониятларни яратдик. Уйлайманки, шу каби тадбирлар юртимизда илм-фан ривожининг эртаси учун пухта пойдевор бўлади.

— Институтимиз билан чет эл олий таълим муассасалари ва «Темпус», «Д.Джон ва Кетрин Т.ман Артур», «Эшден», «Таъсис» ва «INTAS» каби жағфармалар ўртасида илмий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Масалан, «Темпус» лойиҳаси бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази декани О.Иргашев «Ўзбекистонда касб-ҳўнар таълимини ривожлантириш» ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Германия Халқаро малака ошириш ва ривожлантириш ташкилотидан маъруза қилди. 2010-2012 йилларга мўлжалланган «Темпус» лойиҳаси бўйича бажарилган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Швециянинг Стокгольм шаҳридаги технология университетида ҳамкорларнинг биринчи координаторлар умумий йиғилиши бўлиб ўтди ва бу йиғилишда иштирок этиб қайтдим. Шу кўнларда «Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инновациялар, иқтисодий самарали усуллар ва ноанъанавий ечимлар» ҳамда сентябрь ойида «Янги композицион материаллар ва конструкциялар» мавзуларида Республика миқёсдаги илмий анжуман ташкил этилди. Унда ёш олимлар, тадқиқотчилар иштирок этиши учун барча имкониятларни яратдик. Уйлайманки, шу каби тадбирлар юртимизда илм-фан ривожининг эртаси учун пухта пойдевор бўлади.

Сўҳбатдош: Мухаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Эмлаш — болалар соғлигини муҳофазалайди

17-23 май ва 7-13 июнь кўнлари болаларни полиомиелитга қарши Миллий эмлаш кўнлари ўтказилади

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан чақалоқликдан 5 ёшгача бўлган болаларни полиомиелитга қарши Миллий иммунизация қилиш тадбири ўтказилмоқда.



ЖССТ томонидан 2002 йилда Ўзбекистонга полиомиелитдан холи ҳудуд сифатида сертификат тақдим этилган. Маълумки, республикамизда 1995 йилдан бўён ушбу хасталикка чалиниш ҳолати қайд этилмаган.

Бугун баъзи дунё мамлакатлари, Қўши Тожикистон, Афғонистон, Хиндистон, Покистонда аҳоли, айниқса, болалар орасида бу оғир хасталик кўп учрайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Тожикистон Республикасида сўнгги ойларида ҳар минг боланинг 150 нафари юқумли касалликка чалиниш ҳолати қайд этилган бўлса, уларнинг 30 нафари полиомиелит хасталигига мубтало бўлган.

Шунингдек, кейинги ойларида Марказий Осиё мамлакатларида полиомиелитга чалиниш ҳолатлари кўп учрапти, яъни бу касалликнинг республика ҳудудидаги кириб келиш хавфи йўқ эмас.

Шу хавфнинг олдини олиш мақсадида республикамизда икки босқичда ўтказилаётган миллий иммунизация кампанияси аҳоли, айниқса, болаларни бу оғир хасталикдан ҳимоялашнинг энг самарали усулидир. Маълумки, полиомиелит ўткир юқумли, асорати оғир кечадиган касаллик. Болалар фақат унга қарши орал полиомиелит вакцинаси (ОПВ) билан эмлаш, иммунизациядан ўтказиш йўли билан муҳофазаланади. Ер юзидан ҳар йили 2 миллиарддан ортиқ бола орал вакцина билан эмланади.

Миллий иммунизация кампаниясида 700 та даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар, туманлардаги тиббиёт бирлашмалари, туғуруқхоналар, қишлоқ врачлик пункти, махсус эмлаш пунктларида чақалоқлардан бошлаб, 5 ёшгача бўлган 2 миллион 890 минг нафар болалар полиомиелитга қарши эмланади.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Энергетикларнинг халқаро анжумани

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Узбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси томонидан «ITE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibition & Conferences» (Буюк Британия) каби халқаро кўргазма компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда ўттизга яқин мамлакатдан беш юздан зиёд олим ва мутахассис иштирок этмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг кўллаб тармоқларида, жумладан, нефть-газ саноатида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юсак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Узбекистон улкан углеводород захираларига эга. Мамлакатимизда нефть-газ саноатининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. «Узбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси 2009 йилда маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 38 лойиҳани амалга оширди. Замонавий технологиялар асосида ўтказилган сейсмик қидирув ишлари натижасида 47 истиқболли кон аниқланди, бургулашга тайёрланди.

«Узбекнефтегаз» бир неча йиллардан буён «Газпром», «Лукойл» (Россия), «KNOC», «Kogaz» (Корея), «Petronas Carigali Overseas» (Малайзия) каби нефтузла компаниялари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биргаликда геология-қидирув ишларини ўтказиш, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, 2009 йили чет

эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 19 сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

— «Узбекнефтегаз» билан ўн йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келямиз, — дейди Буюк Британиянинг «Tethys Petroleum Limited» компанияси бошқаруви раиси Дэвид Робсон. — Мамлакатингизда нефть-газ саноати инфратузилмаси йил сайин такомиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик учун қулай шароит яратилган. Бу хориж сармоядорларининг мамлакатингизга инвестиция киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Биз ҳам ўзаро сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятимизда.

Конференциянинг биринчи куни «Узбекнефтегаз», «Узбекистон GTL», «Узбекгеофизика», «Andburservis» (Узбекистон), Италия-Узбекистон савдо палатаси, «KazMunayGas» (Қозғоғистон), «Worley Parsons», «Tethys Petroleum Limited» (Буюк Британия) каби йирик компаниялар раҳбар ва мутахассисларининг нефть-газ соҳасига илғор ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, тармоқни модернизация қилиш, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоя жалб қилишга доир маърузалари тингланди.

— Узбекистон кўллаб мамлакатларга энергия манбалари этиказиб беради, — дейди «Тексент» компанияси вице-президенти, Италия-Узбекистон савдо палатаси раиси Луизи Иперти. — Юртингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳалар, жумладан, нефть-газ саноатини из-



чил ривожлантиришга қаратилган таъкидлашга эътибор ишбилармонлар фаоллигини оширмоқда.

Тадбир иштирокчилари Узбекистонда нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш ҳамда энергетик хавфсизликини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулай сармоявий муҳит ва имкониятлар, инновацион технологиялар, шунингдек, юртингизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар би-

лан танишдилар.

Икки кун давом этадиган анжуман қатнашчилари нефть-газ саноатини ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, соҳага сармоя киритиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Узбекистон ҳудудида янги конларни аниқлаш, ишга тушириш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ноҳидра МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Маълумки, жорий йилнинг 10 апрелида Смоленск оstonасида юз берган авиаҳалокат натижасида Польша президенти Лех Качиньский ҳаётдан кўз юмганлиги боис 20 июнда мамлакатда навбатдан ташқари президент сайлови ўтказишга қарор қилинган.

Хорижда



Асосий номзодлар — Сейм спикери Бронислав Коморовский (ҳуқумрон «Фуқаролик платформаси» партиясидан номзод) ва муҳолифатдаги «Ҳуқуқ ва адолат» партиясига етакчиси Ярослав Качиньскийдир.

Польшанинг «TVN24» телеканали сайтида сайлов олдидан ўтказилган сўров натижалари эълон қилинди. Сўровда иштирок этган аёлларнинг 51 фоизи, эркекларнинг эса 49 фоизи Коморовскийни қўллаб-қувватлаш овоз беришини билдирган бўлса, Качиньский учун эса 61 фоиз аёл, 39 фоиз эркек овоз беришини маълум қилган.

Умуман, сайловнинг биринчи

Сўров натижаларига кўра

фарқ катта эмас, лекин...

турида Коморовский 45 фоиз овоз олиши мумкинлиги башорат қилинаётган бўлса, Качиньский 34 фоиз овозга умид қилиши мумкинлиги айтилмоқда. «Millward Brown SMG/KRC» томонидан бир ҳафта аввал ҳам сўров ўтказилган эди. Кейинги сўровда Качиньскийни қўллаб-

қувватловчилар сони 4 фоизга ортган.

Шундай қилиб, президент сайловининг иккинчи турида Коморовский 54 фоиз, Качиньский эса 41 фоиз овоз олиши эҳтимолдан холи эмас, дейилади сўров натижаларини эълон қилган сайт ахборотида.

15 миллион литр нефть

сўвга оқиб кетди

20 апрель куни Мексика кўрғазидagi «British Petroleum» компаниясига қарашли «Deepwater Horizon» нефть қазиб олиш платформасида юз берган портлаш оқибатида платформа чўкиб кетган ва натижада ушбу платформада иш олиб бораётган 126 нафар ишчилардан 11 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмганлиги аниқланди. Ушбу фожиадан сўнг 2 та нефть қудуғидан сўвга нефть оқа бошлади ва у бугунги кунда ҳам давом этмоқда.



Шунча кундан бери мутахассисларнинг 1,6 километр чуқурликдаги, яъни сув остидаги нефть қудуғи оғзини ёпиш бўйича олиб борган сайёҳаракатлари бесамар кетмоқда. Ҳатто 7 май куни нефть қудуғи оғзига 100 тонна оғирликдаги кубба ташланган бўлишига қарамай, ба-рибир нефть сизиб чиқиши тўхтамаяпти. Кунга 800 минг литр нефть сўвга оқиб, унинг юзирини қўллаб бормоқда.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, шу кунгача 15 миллион литрдан ортиқ нефть денгизга оқиб кетди.

Айни дамда АҚШнинг Луизиана, Флорида ва Алабама штатлари қирғоқларида нефть доғлари яқинлашиб қолгани боис бу ерларда фақуллода ҳолат эълон қилинган. Нефть доғлари қирғоқларга етиб боришининг олдини олиш учун ҳозир

барча чоралар кўриломоқда. Агар доғлар қирғоқларга етиб борса, денгиз ва қуруқлик жонотларига қирон келиб, экологик хавф миқдоси янада кенгайди.

Шу кунгача нефть қудуғи оғзини ёпиш учун қилинган сайёҳаракатларнинг ўзига 350 миллион доллар маблағ сарфланди. Ҳалокат сабабли қўрилган зарар эса 14 миллиард долларга бори қолди.

Дарвоқе, бургулаш ишларида хавфсизликини таъминлаш бўйича мутахассис, Калифорния университети профессори Беркли Роберт Бининг фикрича, қудуқдан нефть билан бирга юқорига кўтарилаётган метан газининг пуфакча ҳосил қилиб тўпланиб қолиши ва арзиманган қаҳин натижасида портлаш юз бериши ушбу фожиага сабаб бўлган.

Иқтисодиёт ва ислохот



Молия бозорининг

фаол иштирокчиси

«Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банки Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига кўпроқ йўналтириш орқали истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи минитехнологияларни сотиб олиш, маҳсулотлар ва хизматлар турини кўпайтириш, аҳоли учун янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бошқарма бўйича барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2010 йил 1 апрель ҳолатига кўра бу мақсадлар учун 1 миллиард 600 миллион сўм сарфланди ва режа 106 фоизга ундланди. Ушбу кредитларнинг 51 фоизи узоқ муддатларга ва 43 фоизи қисқа муддатга ажратилган бўлиб, булар ҳисобига 583 та янги иш ўринлари яратилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан берилган имтиёзли кредитларнинг қолдиги 3 миллиард 336 миллион сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, Европа Тараққиёт ва тикланиш банки йўналишлари бўйича ажратилаётган кредитларнинг миқдори жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 179,0 миллион сўмни ташкил этган, яъни режа 119 фоизга бажарилган.

Еш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк бўлимлари томонидан 12 та ёш оилага 107,5 миллион сўм микрокредитлар ажратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш ва аҳоли-

га маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш учун банк бўлимларининг ўз маблағлари ҳисобидан 34 миллион сўм кредит ажратилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish бўйича қўшимча чора-тадбирлар ижроси юзасидан 2010 йил 1 апрель ҳолатига режа 126,6 фоизга бажарилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ уч ой мобайнида 147 миллион сўмлик кредитлар ажратилиб, белгиланган режа 109,3 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Масалан, «Агробанк» миқозини бўлган Узбекистон — Буюк Британия «Бухорогилам» қўшма корхонасини олайлик. Бу қўшма корхонада банк кредитлари ҳисобига 2009-2010 йиллар давомида 35-40 та янги иш ўрни яратилди. Корхонанинг экспорт салоҳиятини кўтариш ва республика ички бозорини импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан таъминлаш мақса-

дида кўллаб миқдорда гиламлар тайёрланди. Синтетик иппал, полиэстр ва кефал ишлаб чиқарилди. Ҳозиргача қўшма корхонада 198 минг 810 квадрат метр гилам тайёрланди. Бу 1 миллиард 243 миллион сўмлик маҳсулот дегани. Тўқиб чиқарилган гиламлар сифатли, жаҳон андозаларига мос бўлганлиги боис унинг 26 минг 808 квадрат метри Буюк Британия, Россия Федерацияси, Туркманистон ва Афғонистонга 145,2 минг АҚШ доллари эвазига экспорт қилинди. Шунингдек, 133 минг 936,4 квадрат метр, яъни 830 миллион сўмлик замонавий гиламлар ички бозорда сотилди. Айни пайтда бу ерда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, лойиҳадаги қувватга тезроқ эришиш учун ҳаракат қилинаётир.

«Агробанк» ОАТБ Бухоро вилоят бошқармаси Мева-сабзавот ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқиб уни изчил амалга оширмоқда. Хусусан, бугунги кунда вилоятда ташкил этилган қатор агрофирмаларга хизмат кўрсатиш учун банкнинг жойлардаги филиалларида ҳисоб рақамлари очилди. Ўзаро тузилган шартномалар асосида уларга банк хизматлари кўрсатилмоқда. Масалан «Бухоро агромир» қўшма корхонасига мева-сабзавотларни қайта ишловчи ускуналар сотиб олиш учун 850 миллион сўмлик кредит лойиҳаси молиялаштирилди. «Бухороагросаховат» корхонасига мева шарбати ишлаб чиқариш линиясини олиб ке-

либ ўрнатиш учун 55 миллион сўм, «Вобкентагромахсулотлари» корхонасига ҳам ускуналар олиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 20 миллион сўм кредит ажратилди. Банк кредитлари ҳисобига янги, замонавий ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ўнлаб янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Дарвоқе банкнинг жами кредит қўйилмалари 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига келиб 67 миллиард 871 миллион сўмни ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 миллиард 684 миллион сўмга ёки 36 фоизга ўсди.

Бошқарма кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига ва агро-саноат мажмуи корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг

ўтган даври мобайнида қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган тижорат кредитлари миқдори 207 миллион сўмни ташкил қилди. Шунингдек, хўжаликларга 2010 йил галла ҳосилини етиштириш учун 6 миллиард 535,0 миллион сўм, пахта ҳосилини етиштириш учун 18 миллиард 113,8 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бошқарма томонидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Агромахсервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизимидagi жами 54 та корхонага ҳам кредитлар ажратилиб берилди.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан моддий-техника воситалари сотиб олиш учун вилоят «Пахтасаноат» бирлаш-



маси ва 6 та туман пахта тозалаш корхоналарига жами 3 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди. Шунингдек, банк 3 та туман дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига 1 миллиард 111,2 миллион сўм кредитлар ажратди. Шу ўринда вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг 2010 йил биринчи чорағи якуни бўйича кредитлар қолдиги жами 164,9 миллион сўмни ташкил қилди. Вилоят «Ўзагромахсервис» ташкилотларининг 2010 йил 1 апрель ҳолатига кредитлар қолдиги 3 миллиард 955,7 миллион сўмни ташкил қилади.

Умуман бошқарма жорий йилнинг дастлабки чорағида ўз иш фаолиятини вилоят халқ хўжалигига иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва банк соҳасини такомиллаштиришга қаратган ҳолда олиб борди.

Банк бўлимлари томонидан турли мулкчилик шаклидаги 15742 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизматлар кўрсатилмоқда. Шулардан 5240 тасини кичик бизнес субъектлари ҳамда 7865 тасини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан миқозлар сони 462 тага ошди.

Бошқарманинг мавжуд 11 та филиали 29 та мини банк ҳамда 19 та махсус касаси ўз фаолият ҳажмини кенгайтириш учун қулай имкониятга эга. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълабларидан келиб чиққан ҳолда банкнинг туман филиаллари томонидан хизмат кўрсатиш шохобчаларига 957 та терминал ўрнатилди, улар орқали жорий йилнинг январь-март ойлари давомида 12 миллиард 186,9 миллион сўм маблағ ўтказилди.

Мижозларга жами 107 минг 549 дона, шундан бюджет ташкилотларининг ходимларига 89 минг 638 дона пластик карта тарқатилган. Банк филиаллари томонидан аҳолига молиявий истеъмол кредитлари бериш тартибига асосан 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига 867 нафар фуқаронинг истеъмол кредитлари қолдиги 1 миллиард 74 миллион сўмни ташкил қилди.

Савдо ташкилотлари, шунингдек, хусусий савдо ташкилотларига биринчи заруратдаги озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари сотиб олиш учун жорий йилнинг уч ойи давомида 927,3 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига савдо кредитларининг қолдиги 1 миллиард 253,4 миллион сўмни, омухта ем бирлашмаларининг кредит қолдиги 283,9 миллион сўмни ташкил қилди.

Мухтасар айтганда, «Агробанк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси барқарор ривожлаётган молия бозорига ўзининг иқтисодий салоҳиятини тобора мустаҳкамлаб, халқ хўжалиги, айниқса, унинг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиш ниятида бор имкониятларини ишга солмоқда.

Шоҳйод МИРҲАБИБОВ,
Мирхобит МИРҲАБИБОВ,
«Узбекистон овози»
мухбирлари.

КЕЧАГИ АРМОН ВА БУГУНГИ ИМКОНИЯТ

Президентимизнинг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейинги олти йилда мамлакатимизда 1117 та спорт объекти қурилганини ўқиб, кенг қўламли бунёдкорлик ишларидан ҳайратга тушдим. Бугунги ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, баркамол авлод орзуси йўлида қилинаётган беқисс ғам-ўрликлар ҳақида ўйларканман, ўқувчилик йилларим эсимга тушди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари, декабрь ойи. Тўққизинчи синфда ўқиймиз. Ҳаво совуқ. Дийдирабгина пахтазорда юрибмиз. Унда мунча қолган қўсақ-қўрақларни чивиб этакимизга солаемиз. Бошқа илож йўқ, кечкурунгина белланган «норма»ни бажаришимиз шарт. Лекин болалик болалик-да.


— Келинлар, кураш тушамиз, — деб қолди абжир синфдошлардан бири.

Бу тақлиф пахтазорда бекордан бекорга санқиш жонига теккан болаларнинг барчасига маъқул тушди. Қолаверса, беллашиб ўз кучини кўрсатиш ҳамма ўғил болаларнинг орзуси.

Хуллас, қий-чув билан эни-бўйи 4-5 қадамдан иборат бўлган жойни ғўза-попардан тозалаб, майдонча ҳозирладик. Майдонча теъарағига давра бўлиб тизилдик. Кураш бошладик.

Шу пайт ердан чикдими, осмондан тушдими, билмадик, нақ рўпарамизда бригадир пайдо бўлди. Ёнида, хойнаҳой амалдорлардан бўлса керак, аллақандай пўрим киши.

— Нима қилиясанлар, аҳмоқлар, — деб ўшқирди бригадир, ранг-рўйи ўчиб. — Нега ғўзапопарни юлиб ташладиларинг?!
— Дарҳол ўқитувчини



топтиринг, — деб пўнгиллади халиги пўрим нухса. Синфбошимиз бригадирнинг ўдағайлашлари остида бизга бош-қош ўқитувчини топиб келиш учун чопқиллаб кетди. Биз хангу манг қотиб қолгандик.

— Булар давлат душмани, — деди ўша амалдор бригадирга ғазаб билан қараб, — ҳаммасини қаматтираман.

Биз ҳали-хануз айбимиз нелигини тузукроқ англай олмадик. Аллақон пахта-қоса терилиб, кўраги ҳам қолмаган шип-шийдан ғўзапопарни юлиш шу қадр катта жиноят эканлигини сира тасаввур қилолмасдик.

Хуллас, андақ қизиқиш, андақ зериктиш билан бошлаган шўхлигимиз ўша кунни катта ғавағога айланиб кетди. Биз ҳаммамиз тушунтириш хати ёздик, икки ойлик пахта пулимиздан биз етказган «зарар» қопланадиган бўлди. Синф раҳбаримиз ишдан ҳайдаладиган бўлди.

Албатта, бугунги ёшларга ўша даврнинг аянчи воқеалари бир эртақдек туюлади. Айтсангиз, ҳатто ишонмаслиги мумкин. Лекин бу аччиқ ҳақиқат. Истиқлол халқимизнинг асрлар давомида топталган, ҳўрланган қадр-қимматини тиклади. Бугун инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун. Элимизнинг фаровон турмуши, порлоқ истиқбол учун ҳар жабҳада туб ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса, ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жис-

моний баркамол этиб тарбиялаш бугуннинг энг долзарб, энг муҳим масаласига айланган. Бу борада гоёта улғувор, кенг қўламли ишлар олиб борилмоқдаки, буни юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида кўришимиз мумкин.

Қашқадарё вилояти бўйлаб қилган сафаримиз чоғида ҳам ана шундай бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Яна бир қарра бунёдкорлик шуқуҳини юрак-юракдан ҳис этдик. Сўнгги беш-олти йилда Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси томонидан умумий қиймати 13,305 миллиард сўмни ташкил этувчи 110 та спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шуларнинг аксарияти қисми қишлоқ жойларида қад ростлаган. Зеро, қишлоқ ёшларини спортга жалб этиш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб воёга етказишга катта эътибор берилляпти. Бироқ бу ўғил-қизларнинг ота-боболари, хикомиз аввалида тилга олганимиздек, болаликнинг бебаҳо дамларини

пахта пайкалларида дийдираб ўтказганларини, на спортга, на бошқа бир маданий машғулота имкон топиша олмаганларини эсласак, Истиқлол улғунёмағат, қуриб фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари баркамол авлод тарбиясида муҳим омил эканлигини янада теранроқ англаймиз.

Баркамол авлод йилида шундай хайрли ишларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 5382,5 миллион сўмлик маблағ ажратилиб-

ди. Бундан ташқари, «Шўртангазимё», «Пахта-саноат», «Муборакгаз» каби йирик ташкилот ва корхоналар ҳам ўз ҳомийлик маблағлари билан ҳисса қўшишмоқда. Айни кунда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида спорт иншоотлари қурилиши кизгин давом этмоқда. Бу борада, айниқса, Ғузур туманидаги Чаноқ қишлоғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кўзларини қувонтиради. Айтишларича, олти йил аввал худди шу жойда, қачондир қишлоқнинг нақ биқинига ч бостириб келган пахта пайкали ўрнида муҳташам Болалар спорт мажмуаси қад ростлабди. Эндилликда бу спорт саройи қишлоқ ёшларининг энг сеvimли масканига айланган. Маҳмуада кураш, волейбол, стол тенниси каби 9 та спорт тўрағи фаолият юритиб турибди.

— Ёшларимизнинг интилиш ва қизиқишлари жуда баланд, — дейди Чаноқ Болалар спорт мажмуасининг раҳбари Баҳодир Аҳмедов. — Ҳар кун гуруҳ-гуруҳ қишлоқ ўғил-қизлари бирор-бир спорт тўрағида ёзилиб истагида келишади. Уларга эшиқларимиз ҳамма оқиб, Шарт-шароитлар муҳайё. Лекин бу иш билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Мана, кўриб турибсиз, янги спорт иншоотлари қуришни бошлаб юборганмиз.

Ҳа, кўрдик. Кўзимиз, кўнглимиз қувонди. Ғузурликларнинг азму шижоати баланд.


Бу жой тез орада спорт шаҳарчасига айланади. Чунки спорт мажмуаси атрофида футбол майдони, битта ёпиқ сув ҳавзаси, эллик ўринли спортчилар меҳмонхонаси, битта сунъий қопламали яшил майдон бунёд этилади.

Албатта, бундай хайрли ишлар юракларга сурув ва гурур бағишлайди. Беихтиёр осмон билан бўйлашиб бораётгандек ҳис этасан ўзингни. Юртимизнинг буюк келажаги тонг юлдузидай кўз ўнгинда янада ёрқинроқ, янада жозибалироқ жонлана бошлайди. Чехраларга ҳаётдан, замондошлардан мамнунлик туйғуси балқиб чиқади.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан айрим жойларда бу имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани таъкидланди. Дарҳақиқат, вилоятдаги муҳташам қурилган, замонавий жиҳозланган баъзи спорт иншоотларидан имконият даражасида фойдаланилмаётганига ҳам гувоҳ бўлдик. Шунингдек, олий маълумотли мутахассислар, айниқса, хотин-қиз мураббийлар этишмаслиги ҳам бор ҳақиқат. Мазкур қарор бу каби муаммолар ҳал этилиши, спорт объектларидан унумли фойдаланишга, баркамол авлод тарбиялаш ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Самарқанд вилояти Жомбой туманида қизлар спортини ривожлантириш, айниқса, нафис спорт тури — бадий гимнастикани оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Гулжаҳон Тоҳирова, Ирода Жамолова сингаи иқтидорли гимнастикачи қизлар сафи кенгайиб бораётгани ана шу эътибор самарасидир.

Тумандаги 56 мактаб ва 29 мактабгача таълим муассасасида алоҳида хоналар ажратилиб, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар кўмағида зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда. Туман хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида спорт иншоотларида фаолият юритаётган аёл мураббийларнинг малакасини ошириш мақсадида кўргазмали семинарлар ташкил этилаётди.

Жомбойлик тажрибали мураббия Малика Ортиқованинг шогирдлари —

Суратда: гимнастикачилар мураббияси Малика Ортиқова машғулот вақтида.

Огоҳлик бахтли ҳаёт омили

Бугунги кунда дунё жамоатчилигини жиддий ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири ОИТС касаллигидир. Бу муҳим оғат миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Унинг олдини олиш, тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилаётган бўлса-да, бу оғатдан жабр кўраётганлар сони камаймаптир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу хавфли касаллик тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича савий-ҳаракатлар Миллий режаси бу борадаги ишларни қучайтиришда муҳим омил бўляпти. ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолияти та-

комиллаштирилмоқда. Тошкент вилоятида ҳам ушбу ҳужжатлар ижроси узасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС касаллигига қарши курашиш бўйича тушунтириш олиб бориш, оммавий спортни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу хавфли касаллик тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича савий-ҳаракатлар Миллий режаси бу борадаги ишларни қучайтиришда муҳим омил бўляпти. ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолияти та-

Қарор ва ижро

саллиқни аниқлаш, ташхис қўйиш бўйича барча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. — ОИТС диагностика лабораторияси икки бўлимдан иборат, — дейди лаборатория мудири Лола Фозилова. — Биномиз ўтган йили тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан барча зарур дори-дармон воситалари етказиб берилмоқда. Ўтган йили олти минг нафарга яқин киши тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг айримларида аниқланган касалликлар тегишли тартибда даволанмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, лабораториямизда айрим тиббий жиҳозларни янгилаш эҳтиёжи сезилмоқда. Касалликни доволашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Шу боис ОИТС, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари, дин вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштираётган мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу каби иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва аянчи оқибатлари атрофлича тушунтирилмоқда. Бу оғат ҳар биримиздан янада хушёр, сергак ва огоҳ бўлишни талаб этади. Зеро, огоҳлик тинчлик ва осойишталик, соғлиқ-саломатлик омилidir. **Ўзбекистон Республикасида ОИВ лабораторияси ушбу ка-**

Ёшлар бандлиги масаласи назоратда

Кимни алдаяпмиз?

ёки коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда йўл қўйилаётган айрим кўзбўямачиликлар хусусида

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам ёшларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу борада қўлга ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, ёшлар бандлиги жуда муҳим масала. Бунга юзак ёндашиб бўлмайди. Фойдали иш билан шуғулланган, бирон-бир касб-хунари бошини тутган ёшлар ҳеч қачон турли зарарли таъсирларга берилмайди. Афсуски, тахлиллар бу борадаги ишлар айрим таълим масканларида қонқарсиз ташкил қилинганлигини кўрсатмоқда. 2008-2009 ўқув йилида Бухоро шаҳридаги Бухоро касб-хунар коллежини жами 194 нафар ўқувчи тугатган. Шундан 2009 йил 1 октябрь ҳолатида 170 нафар битирувчи ишга жойлашгани ҳақида тегишли жойларга маълумот берилган. Лекин улардан 43 нафари номига, ҳисобот учун ишга жойлашгани аниқланди.

Масалан, Мурод Ботиров ҳамда Дилрўжа Қодиров «Бухородонмаксулотлари» ОАЖга ишга жойлашганлиги ҳақида маълумот бор. Лекин амалда эса улар бу корхонада ишлаётгани йўқ. М.Сулaimонова ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. У вилоят ўқувчилар саройи директорининг буйруғи билан ўқувчилар техника ижодиёти бўлимига тасвирий санъат тўрағи раҳбари сифатида ишга қабул қилинган. Аммо 2009 йил 17

февраль кунини неғадир ишдан «бўшатилган». Афсуски, бундай ҳолат Бухоро енгил саноат ва педагогика, иқтисодиёт ва банк, нефть ва газ саноати, агроиқтисодиёт, солиқ, санъат ва туризм касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши масаласида ҳам кузатилади.

Ўтазилган текшириш натижасига кўра, 21 та интизомий жазо чоралари қўлланилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш тўғрисида тегишли муассасаларга 7 та тақдирнома киритилди. Шаҳар ҳокими номига ахборотнома юборилди. Битирувчи ёшларни касб-хунар коллежлари ҳисоботи учун «ишга қабул қилаётган» корхона раҳбари, фирма бошлиқлари ёки ташкилот мутасаддиси ва ўқув маскани директорлари сохта ҳужжат билан кимни алдаяпти? Вазиятдан чиқиб ўнчун қилинадиган бундай кўзбўямачиликдан кимга фойда? Бунинг ўрнига ишни тўғри ташкил этиш, ўқув йили бошидан битирувчиларнинг ишга жойлашиши масаласи билан шуғулланиш керак эмасми? Энг ёмони, ёш, бўлажак мутахассисни ёлғонга ўргатаймиз. Бу ҳолат унинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатади.

Биз ўсиб келаётган ёш авлодини мамлакат, миллат келажаги деб биламиз. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганидек: «...бу борада юзак, расмий ёндашуларга, пухта йиланмаган ишларга мутлако йўл қўйиб бўлмайди».

Собир УМАРОВ,
Бухоро шаҳар прокурови.

ООО «SARDOR BARAKA INVEST» зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Сергелийского района за реестровым номером 002530-06 от 30 марта 2010 года, расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, массив Сергели 2, дом 4, квартира 11. ИНН 301560972

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afvor HOTALIMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
223-06-02
Gulistonda —
25-46-45
Jizzaxda —
227-48-35
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
226-43-81
Nukusda —
222-77-21
Samarqandda —
35-02-55
Urganchda —
517-30-58
Farg'onada —
224-18-78
Denovda —
8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'AYTOV, Zafar BAKIROV
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonone manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 449
13594 nusxada bosildi
Т — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 00.20
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda